O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 13 ноябрь, шанба • № 89 (11.172) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ

МУСТАҲКАМ РИШТАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ушбу нуфузли сафар давомида мамлакатимиз раҳбарига катта ҳурмат-эҳтиром билдирилди.

Президент Ислом Каримов Хитойга етиб келган куни ХХР Халқ йиғини уйида алоҳида тантаналар билан кутиб олинди. Фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэмин ҳамда бошқа олий даражадаги арбоблар билан юзма-юз учрашувлар ва суҳбатлар бошланди. Мулоқотларда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро муаммолар, томонларни қизиқтирган турли хил масалалар муҳокама этилди.

Ушбу ташриф давомида давлатларимиз ўртасида амал қиладиган 9та ҳужжат имзоланди. Мазкур ҳужжатлар сиёсат ва иқтисодиётдан маданият, почта ва телекоммуникацияларгача бўлган қатор соҳаларни қамраб олди. Томонларнинг қарийб барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикрлари бир жойдан чиққанлиги жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборини тортди.

Ўзбекистон раҳбарининг сафари давомида кўзга ташланган муҳим жиҳатлар кўп бўлди. Чунки, Хитой гарчанд БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлса-да, ривожланаётган давлатлар сирасига киради ва табиийки, биринчи навбатда сармоя чиқаришга эмас, аксинча, киритишга интилади. Мамлакатда дунёнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кўплаб қўшма корхоналар тузилган. Қарийб барча соҳаларга хориждан илғор технологиялар жалб қилинмоқда. ХХР ўзининг 1,25 миллиардлик аҳолиси билангина эмас, иқтисодий қудрати билан ҳам эътиборлидир. Зотан, сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этяпти. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийб 20-22 фоизи Хитойга тўғри келади.

Худди шундай ҳолатни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Биз ҳам хорижий сармиоя жалб қилишга, янгидан-янги технологияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишлаб чиқариш тизими, техника янгиланмоқда. Лекин, Ўзбекистонда кечаётган бу жараёнга Хитойнинг ҳиссаси, афсуски, исталган даражадан анча паст. Президентимизнинг ташрифи давомида бу гаплар бир неча бор таъкидланди. Мулоқотларда иқтисодиёт таянчи ҳисобланган асосий тармоқларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали эканлиги таъкидланди. Фикр алмашувлар асносида машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, агротехника, қурилиш, телекоммуникация, кимё, енгил саноат соҳалари тилга олинди.

Ташқи сиёсат борасида гап кетганда, Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган талай таклиф ва ташаббуслар қўллаб-қувватланди. Масалан, Ўзбекистон Президентининг «Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли зона» деб эълон қилиш ҳамда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари»дан иборат «6+2» гуруҳини тузиш ташаббусларини айтиш мумкин. «Ядродан ҳоли зона» ғояси Хитой томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. «6+2»да ҳам у бевосита иштирок этяпти.

Хитой ҳам Ўзбекистон каби улкан тарих, маданий мерос, осори-атиқаларга бой давлат. Президент Ислом Каримов сафари чоғида зиёрат қилган «Гугун» империатор саройининг ўзиёқ ажойиб тарихий ва маданий манбадир. Саройни кузатар экан, киши ёдига беихтиёр Самарқанддаги муҳташам Регистон мажмуи, Бухородаги пурвиқор Арк ёхуд мафтункор Ситораи Моҳи Хоса, Хивадаги Ичон қалъа ёдга тушади. Улар тарихимиз, маданиятимиз муштарак жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради. «Шарқ фалсафаси», «Шарқ маданияти», «Шарқ анъаналари» деганда ҳам ўзбек ва Хитой қадриятлари моҳиятини тасаввур этиш мумкин.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдо-сотиқ, таълим, ҳуқуқ ва қатор бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш истаклари алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига қилган навбатдаги сафари самарали якунланди. Айтиш мумкинки, ташриф давомида кўзда тутилган мақсадларга эришилди.

1999 йил 5 декабрь
Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни

2000 йил 9 январь
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

АВВАЛО ҚОНУНЛАРНИ ЎҚИМОҚ КЕРАК...

Газеталарда депутатликка номзодларнинг рўйхати эълон қилинди-ю, вилоят сайлов комиссиялари Матбуот марказининг шундоқ ҳам тез-тез жиринглаб турган телефонлари энди тиним билмай қолди. Мурожаат қилган одам билан мулоқотдан сўнг гўшакни жойига қўяр-қўймас, яна кўтаришга тўғри келади. Мавзу эса, деярли битта — сайловолди ташвиқоти...

— Алло, вилоят сайлов комиссиялари матбуот марказими? Бир саволимиз бор эди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат сайланадиган 155-Тўйтепа ва 156-Ўртачирчиқ сайлов округларида рўйхатга олинган жами 12 нафар номзоддан 5таси ўртачирчиқлик. Қолган номзодлар Тошкент шаҳри ёки туманларидан. Туман газетасида шу беш кишининг сайловолди чиқишлари билан чекланса бўладими?

— Йўқ, асло. Ҳар бир номзодга матбуот саҳифаларида чиқиши учун бир хил шароит яратиб бериш керак. 12 номзоднинг ҳаммасига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши лозим.

Яна қўнғироқ.

— Партиялар ўзлари кўрсатган номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ёритиш учун туман газетасига маблағ ўтказишмоқчи...

— Йўқ. бу мумкин эмас. Ташвиқотнинг пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Навбатдаги сим қоқувчи ҳам сайловолди ташвиқоти мавзусидаги савол билан мурожаат қилади:

— Халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутатликка кўрсатилган номзодлари учун партияларнинг ўзи ташвиқот варақалари чиқариши мумкинми?

— Фракциялар ва номзодларни тарғиб этишда тенгсизлик ва меъёрий номутаносиблик юзага келмаслиги учун бу иш билан сайлов комиссияси шуғулланади...

Шу тариқа қўнғироқ устига қўнғироқ. Бир томондан вилоят сайлов комиссиялари матбуот марказига маслаҳат сўраб мурожаат қилаётганликлари, жойларда сайловолди ташвиқоти фаолиятига жиддий киришиб, унинг турли шаклларидан унумли фойдаланишга интилишаётгани кишини қувонтирса, иккинчи томондан савол бераётганлар баъзан сайловлар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини яхши билмасликлари, Марказий сайлов комиссиясининг йўриқлари ва тавсияномалари билан таниш эмасликлари ўйлантириб қўяди.

Шу кунларда бизга берилаётган саволларнинг асосий мазмуни сайловолди ташвиқоти билан боғлиқлиги боис бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Депутатликка номзодларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга сайловчилар билан учрашиш, суҳбатлашиш учун тенг ва адолатли шарт-шароитларни яратишда округ ҳамда сайлов комиссияларининг аҳамияти катта. Марказий сайлов комиссияси бу масалага алоҳида эътибор билан қарамоқда. Жойларга йўриқномалар, шарҳлар ва бевосита тегишли кўрсатмалар юборилмоқда. Сайловчи ва номзодлар ўртасидаги муносабат қонуний, ахлоқий қоидалар даражасида бўлишига шароит яратиб беришга эришмоқ даркор. Афсуски, шундай бир паллада сайловолди ташвиқотини барча манфаатдор томонлар ва номзодлар учун тенг ҳуқуқли ўтишини таъминлаб бериши лозим бўлган баъзи ахборот воситалари мутасаддиларининг ўзлари ҳамон қонунларни пухта ўзлаштириб олмаганликлари ёмон.

Яна бир гап. Юқорида келтирилган биринчи саволга дахлдор фикр хусусида алоҳида тўхталгим келади. Айрим туман ва шаҳарларда ҳамон маҳаллийчиликка берилиш каби иллат борга ўхшайди. Биз бутун бир мамлакат яхлитлигини, республика халқининг тақдирини ва айни пайтда ҳудудлар равнақини ўйлайдиган номзодларни сайлашга эътибор беришимиз лозим. Маҳаллийчиликка берилиб, фақат ўз туманимиз, шаҳримиз одами чиқсин деб, номуносиб номзодни сайлаш тўғри эмас.

Сайловолди ташвиқотлари фаолиятимиздаги энг масъулиятли босқич. Бунда номзодлар тарғиботидаги арзимас оғиш ҳам қонун бузилишига олиб келиб, барча хайрли ишларимизга путур етказиши мумкин. Шунинг учун, вилоят сайлов комиссиялари матбуот маркази бу масалага алоҳида масъулият билан қараб, вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари тегишли округлардаги барча номзодларга ўз сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун тенг шароитлар яратиш тамойилига амал қилиши зарурлигини яна бир бор таъкидлайди. Энг асосийси, бу борадаги фаолият амалдаги сайловга доир қонунларга риоя қилинган ҳолда олиб борилмоғи шарт.

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ,
вилоят сайлов комиссиялари матбуот маркази раҳбари.

МАҲАЛЛАЛАРДА СУҲБАТЛАР

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманида жойлашган 37та сайлов участкаларининг ҳаммасида сайловчилар учун зарур бўлган қўлланмалар, сайлов тўғрисидаги қонунлар, газеталар тахламлари мавжуд. Бу ерда фуқаролар билан бўлажак сайловларнинг аввалгиларидан фарқи, эндиги сайланадиган депутатларнинг вазифалари, сайловлар тўғрисидаги янги қонунларга киритилган ўзгартишлар хусусида қатор суҳбатлар бўлиб ўтди.

Айниқса, туман тажриба-механика акциядорлик жамияти биносида жойлашган 14-сайлов участкасида олиб борилаётган тадбирлар ибратли бўлмоқда.

— Хусусан, сайловчилар билан ташкил этилган «Қонунни ким қандай тушунади?» мулоқот давраси қизиқарли ўтди, — дейди мазкур сайлов участкаси раиси Шокир Абдукаримов, — тадбир сайловлар тўғрисидаги қонунлардан анчагина хабардор кишилар билан бирга, ҳали улар ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслар ҳам борлигини кўрсатди.

Шу боисдан туман сайлов комиссияси аъзолари, мактаблар ҳуқуқшунос ўқитувчиларини жалб этиб, маҳаллаларда тарғибот ишларини янада кучайтирмоқдалар.

Дониёр КОМОЛОВ.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ барча ҳудудларидаги каби Юқоричирчиқ туманида ҳам бўлажак сайловлар олдидан бир қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

Куни кеча Арганчи қишлоқ фуқаролар йиғини биносида жойлашган халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 51-Жумабозор сайлов округида биринчи марта овоз берувчи ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Мулоқот чоғида сайлов комиссияси раиси Дуйсен Турбеков мазкур сайловларнинг моҳияти, номзодларга овоз беришда уларнинг қайси фазилатларига кўпроқ эътибор қилиш кераклиги, сайловлардан кутилган мақсад ҳақида йиғилганларга батафсил гапириб берди.

Учрашувда сўзга чиққан йигит-қизлар муҳим кампанияда энг муносиб номзодларга овоз беражакларини айтдилар.

Ҳасан САИДОВ

УЧРАШУВЛАР, БАҲСЛАР, МУНОЗАРАЛАР

ХАЛҚ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг барчасида номзодларга гувоҳномалар топшириб бўлинди. Бўлажак депутатларнинг жойларда сайловчилар билан тенг шароитлар асосида учрашишлари учун тартиб жадвали ҳам белгиланди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида гувоҳномалар топшириш айни сайлов қонунларида кўрсатилган муддат талабларига мувофиқ келганлиги қайд қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят сайлов комиссияси раиси Фарруҳ Мирзаахмедов ва бошқалар Чирчиқ шаҳри, Паркент, Юқоричирчиқ, Тошкент туманларида бу ишга пухта ҳозирлик кўрилганлигини таъкидладилар. Жойларда номзодлар билан қизғин учрашувлар бахслар, мунозаралар ўтказилмоқда.

Саид ВАЛИЕВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти



● «ПЕДАГОГИК тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танловини ўтказиш Ўзбекистон Давлат тест маркази фаолиятининг муҳим қирраларидан бири бўлиб қолди. Бу йилги ўзаро беллашувлар ҳам яхши натижа билан тугади. Шуниси қувончлики, танловга тақдим этилган жами тестнинг 285таси мактаб ўқитувчилари томонидан тузилди. Инглиз тили бўйича тузилган тест намунаси Паркент туманидаги лицей-интернат ўқитувчиси Қосимжон Боқижоновнинг юзини ёруғ қилди. Изланувчан муаллимнинг бу иши танловда иккинчи мукофотга сазовор бўлди.

● ВИЛОЯТ давлат педагогика институтида Ахборот маркази ташкил топди. Талаба ёшларда компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот тизими билан яқиндан алоқада бўлиш каби малакаларни шакллантиришда ушбу марказнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда.

● ВИЛОЯТ саноат корхоналарида меҳнат муҳофазасига, ишчилар, хизматчилар, ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга бу йил ҳам эътибор ортди. Бу борада, айниқса, металлургия ва машинасозлик саноати тармоқларида ғамхўрлик яққол сезилмоқда.

Куни кеча мазкур тармоқ касаба уюшмаси қўмитасида ана шу борадаги ишлар таҳлил қилинди. Шу кунгача 627 нафар киши санаторий ҳамда дам олиш уйларида 659 нафар болаларнинг ҳордиқ чиқариб саломатлигини мустаҳкамлагани таъкидланди.

● ПСКЕНТ шаҳридаги «Жанубий» Автополигонида мамлакат биринчилиги учун халқа бўйича автомобил пойгаси ўтказилди Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва Тошкент автомобиль федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирларда республикамизнинг энг кучли спортчилари қатнашди.

Мусобақада ЎзДЭУавто командасидан Шерзод Жумаев биринчи ўринни эгаллади. Тошкент бирлашган техник мактаби командасидан Асат Мадиёров иккинчи, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг республика техник спорти маркази командасидан Андрей Стефанович учинчи ўринни олди.

● УМУМТАЪЛИМ мактаблари негизида ўқувчилар ташкилотлари ва клубларини ташкил этиш борасида дастлабки тажрибалар орттирилди. Вилоятимизнинг Пскент, Ўртачирчиқ туманлари билим масканларида фаолият кўрсатаётган бундай ўқувчилар ташкилотлари ўсмирларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларда демократик ҳуқуқ тушунчаларини ўстириш йўлида ижобий натижаларга эришмоқда.

● АНГРЕН. Шаҳардаги 38-мактабда «Бу ерда Боғи Сурх қишлоғи бўлган эди» номи билан элшунослик музейи очилди. Унда ушбу қишлоқнинг тарихини акс эттирувчи юзга яқин фотосуратлар, осори-атиқалар, қазилма буюмлар ўрин олган. Музейга мактабнинг математика ўқитувчиси Зулфия Қаюмова етакчилик қилмоқда.

● ВИЛОЯТИМИЗДА ногирон болаларга турли хил моддий ёрдам кўрсатиш ишлари тобора кенгаймоқда. Яқинда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими мактаб-интернатларда тарбияланаётган шундай болаларга юз минг сўмлик доридармон, кийим-бош тарқатди. Хусусан, Оққўрғон туманидаги 78-ногирон болалар мактаб-интернатида тарбияланувчи қизларга кўйлаклар, Пскент ва Бўстонлиқ туманидаги 79-ҳамда 102-мактаб-интернат болаларига иссиқ кийимлар совға қилинди.

Лукма

ДАРОМАД ДЕБ «ДАРД»ГА ЙЎЛИҚИШДИ

Солиққа тортиладиган объектларни яширганлиги ва давлат манфаатларига зарар етказганлиги учун Қибрай туманидаги «Холис» масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Нуржон Шинбоев устидан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармасидан олинган маълумотга кўра, «Холис» масъулияти чекланган жамияти томонидан «СНИФ КО» қўшма корхонасига 40 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, олинган даромад ҳеч қандай ҳисоботларда қайд этилмаган. Солиқ негизига қўшиладиган харажатлар сунъий равишда кўпайтирилиб 6 минг 388 сўм даромад яширилган. Жорий йилнинг ўтган даври давомида олинган 22 минг сўм даромад ҳам худди шу тарзда яширилган.

Оққўрғон шаҳрида яшовчи Хойил Бердиев ҳам ун тегирмонини ишга тушириб, уни давлат солиқ идораларидан рўйхатдан ўтказмаганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, у 133 минг 837 сўм даромад ҳисобидан солиқ тўламаган экан. Даромадини яшириб келгани сабабли Хойил Бердиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Абдурашид Ҳакимовнинг маълумот беришича, Тўйтепа шаҳри марказида жойлашган «Фа-Эр-Ма» масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўконда текширув ўтказилганда, 32 минг 294 сўм савдо тушуми назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги ойдинлашди. Бундан ташқари, сотувдаги 83 минг 50 сўм миқдоридаги спиртли ичимликлар номаълум шахслардан сотиб олинган. Мазкур жамият қонунга хилоф равишда жами 276 минг 910 сўмлик спиртли ичимликларни савдога чиқарган. Ушбу ҳолат бўйича «Фа-Эр-Ма» масъулияти чекланган жамият раҳбари М.Эргашевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-модда 3-банди билан жиноий иш қўзғатилди.

— Асл тадбиркор қонунни четлаб ўтмайди, — деди Абдурашид Ҳакимов. — Солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш тадбиркорлар орасида мўмай даромад орттириш пайида юрганларни аниқлашга кўмак беради. Бошқарма бошлиғининг таъкидлашича, солиқ қонунларини бузган корхона, ташкилот раҳбарлари ва фуқароларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юзтага яқин жиноят аломати мавжуд бўлган текширув ҳужжатлари юборилди.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС».

Вилоят ҳокимлигида

ЯКУНЛАР, РЕЖАЛАР, ВАЗИФАЛАР

Шу йил 11 ноябрь куни вилоят ҳокимлигида республика Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо мажмуининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда республиканинг қатор вазирликлари раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари, «Вилоятсавдо», «Вилоятматлуботсавдо» тизими ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Тадбирда «Тошкент вилоятида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, унинг ижтимоий аҳволини барқарорлаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш бўйича 1999 йил январь-октябрь ойларида бажарилган ишлар якуни ва мазкур йўналишдаги аҳволни яхшилаш юзасидан жорий йилнинг тўртинчи чорагида рўёбга чиқарилган режалар, 2000 йилда амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида»ги масала юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асатов маъруза қилди.

Шунингдек, йиғилишда вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Абдурашид Ҳакимовнинг савдо, матлубот савдоси ташкилотларида хизмат маданиятини юксалтириш, интизомини яхшилаш, ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатига эътиборни кучайтириш, савдони йўлга қўйишда айрим шахслар томонидан содир-этилган қонунбузарликлар, келгуси йилда солиқ инспекцияси ходимлари олдида турган вазифалар хусусидаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов сўзга чиқди.



ВИЛОЯТДА мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган ўрта ва кичик корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон» хусусий корхонасида 22 киши доимий иш ўрни билан таъминланган.

Бу йил меваларни совуқ уриб кетганлиги сабабли жамоа фақат сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга мажбур бўлди. Шунга қарамай, корхона ўз фаолиятини тўхтовсиз давом эттирмоқда. Айниқса, туман далаларида етиштирилган помидор ҳосилини иложи борича кўпроқ қабул қилиб, сифатли томат пастаси тайёрлашга зўр берилгани корхонага катта иқтисодий наф келтирди. Ҳозиргача қабул қилиб олинган 300 тонна помидордан 25 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланиб, савдо ташкилотларига етказиб берилди.

СУРАТДА: ишчи Наргиза Тошбоева тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Бугунги сонда:

2-бет
Танишинг, ўзингиз танланг, ҳал қилинг:
● *Икки ташкилотнинг сайловолди дастурлари.*

3-бет
● *«Ақлли машиналар»нинг аср сўнгидаги муаммолари.*
● *«Ойнаи жаҳон» намойиш этади.*

4-бет
Вилоят футболининг ўлкан одими:
● *«Дўстлик» — чемпион.*
● *«Металлург» кучли саккизликда.*
● *«Семурғ» ва «Кимёгар» олий табақада...*

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларда бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш ҳақидаги 22¹ моддага асосан 1999 йил 23 сентябрь куни «Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази» 20та Таъсисчи ташкилотлар ва корхоналар томонидан ташкил этилиб, 2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Гувоҳнома ҳам берилди. Таниқли ҳуқуқшунос олим, Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази директори, профессор Акмал Саидов раис, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов ўринбосари ва яна беш аъзолар унинг бошқарув таркибига кирдилар.

1999 йил 5 декабрь
Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни

2000 йил 9 январь
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа — умумхалқ сайловларига тайёргарлик ишлари кенг кўламда бўлиб ўтмоқда. Бу жараён кундан-кунга ҳар бир хонадонга шаҳдам қадамлар билан кириб бораётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида баҳоланиши лозим. Биз фикр юритаётган мавзунинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун масаланинг назарий жиҳатига эътиборни қаратишни истардик.

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК!

Мазкур Марказ мустақил нодавлат-нотижорат ташкилот сифатида белгиланди. Унинг ҳозирги кунда барча вилоятларда ҳам ўз бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, бизнинг вилоятимизда ҳам унинг Таъсис йиғилиши бўлиб, бошқарув аъзолари таркиби, унинг раиси, тафтиш комиссияси таркиби тасдиқланди.

Хўш, марказнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Марказнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоят, шаҳар ва туманлар Халқ депутатлари Кенгашларига бўладиган сайловларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларни ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишида доимий қўллаб-қувватлаш, бу билан ҳақиқий кучли фуқаролик жамияти қуриш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Марказнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилди:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўладиган сайловларда мустақил номзодларга фуқаролар ташаббускор гуруҳларини тузишда, уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида кўмаклашиш;

— сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузиш;

— уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашларида, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришларида кўмаклашиш;

— мустақил номзодларнинг кузатувчиларини излаб топиш, жалб қилиш ва тайинлашда ёрдам бериш, ҳуқуқий, маънавий кўмаклашиш;

— мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар бериш;

— мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

— фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида маълумотлар бериш.

Шунингдек, марказ ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни амалга ошириш учун қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга.

Юқорида биз келтириб ўтган 22¹-моддада Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкинлиги айтиб ўтилган. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш учун эса тегишли сайлов округининг камида эллик нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиш мумкинлиги келтириб ўтилган.

Ҳозир сайловолди ишларининг биринчи босқичи ўз якунига етди, десак ўринлидир. Яъни, кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш учун вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига ҳужжатлар тақдим этилди. Депутатликка номзодлар учун қўйилган талабларга мувофиқ, уларни рўйхатга олинди. Бунда асосий талаблар деб қуйидагилар топилди:

— қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланмаган, сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаётган, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари бўлмаган, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Ҳукумат аъзолари, судьялар, прокуратура ва ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдиридагина Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 8та сайлов округидан 8та номзод ташаббускор гуруҳлари томонидан номзодлари кўрсатилиб, рўйхатга олинган. Улар орасида ҳокимият раҳбарлари, жамоа, ширкат, ҳиссадорлик жамияти, хусусий корхона раҳбарлари бор. Лекин, маънавият-маърифат, жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқолларидан эса муносиб номзодлар курсатилмаганлигига қандай қараш керак? Номзодларнинг энг кичик ёшини 42 яшарлигини ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўплигини кўрсатиб турипти. Ёки, ҳалол, виждонан ишловчи, фидокорлик туйғулари мужассам инсонларнинг ҳаммасини номзодлар рўйхатига қамраб олдик десак, яъни энг намуналиларини танлаб олдик десак ҳам унча тўғри айтмаган бўламиз. Буни ҳали ҳаёт кўрсатади. Ёки, ҳуқуқий саводхонлиги етук, ташкилотчилик қобилияти соз, барчага тенг ва адолатли фуқароларни танлаб олдик, бошқача айтганда, номзодини кўрсатдик, десак ҳам унча тўғри чиқмаслиги мумкин. Беайб Парвардигор дейдилар. Албатта, барчамизда у ёки бу даражада камчилик, ўзимиз сезмайдиган қусурлар бўлиши табиий ҳолдир. Лекин энг асосийси Ўзбекистонимиз тарихидан бизда маълум бўлган шарқона демократия қонуниятларига асосланган ҳолда ўз ривожланиш йўлидан давом этиб бормоқда.

Ҳозирги кунда барча номзодларни рўйхатга олиш жараёни якунланиб, навбатдаги вазифа уларни тарғиботташвиқот қилишга қаратилган. Бунинг учун учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишга барча имкониятлар яратиб берилган. Энг асосийси, бўлиб ўтадиган барча жараёнлар қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади. Сиёсий партиялар билан бирга сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан номзодлар кўрсатилишининг ўзи эса, боболар меросига, аждодлар давлатчилик сиёсатига ҳурмат билан қарашнинг яққол намунасидир. Ўз тарихидан, давлатчилик анъаналаридан, боқий маънавий меросидан, ҳуқуқий манбаларидан хабардор шахс, миллат, халқгина шундай хусусиятларга эга бўла олади. Бу йўлни эса, бизга Мустақиллигимиз берди, кўзимизни очди.

Муроджон МИРЗАЕВ,
Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент вилояти бўлими раиси, доцент.

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ ЗИЁ

Тарих зирвасига назар ташлар эканмиз, демократияга интилиш ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб келганининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, «Демократия» тушунчаси юнонча «демос» — халқ ва «кратос» — куч, ҳокимият сўзларидан келиб чиққан бўлиб, давлатнинг халқ томонидан, унинг иродаси билан бошқарилиши маъноларини англатади. Демократия — бу жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини ифода этиш, иродасини амалга ошириш воситаси, ҳукмронлик қилиш ва бошқариш усулидир. У давлат ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз аксини топади. Фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги, уларнинг ижодий, яратувчилик ва айниқса, сиёсий фаолияти демократия тушунчаси билан чамбарчас боғликдир. Айни мана шу ҳолатни биз бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб кузатишимиз мумкин.

Ҳаётда бир қонуният мавжуд — жамиятда юз бераётган ҳар қандай сиёсий ёки ижтимоий жараёнлар зиёлиларнинг бевосита иштирокида амалга ошади. Бунинг мантиқий изоҳи мавжуд, албатта. Зиёли, у хоҳ илм одами бўлсин, хоҳ ёзувчи, хоҳ санъат намояндаси бўлсин, бундан қатъий назар, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини идрок этишга, ўтмиш воқеаларини бугунги жараёнлар билан муқояси қилган ҳолда миллат истиқболи ҳақида хулоса чиқаришга лаёқатли одамдир. У атрофдагилардан ўз мушоҳада кучи билан ажралиб туради. Жамият ривожланишининг энг оптимал йўллари, устивор йўналишлари ва долзарб муаммолар эл дарди билан яшайдиган зиёлининг диққат марказида бўлади. Мазкур фикрлар ғоя даражасига кўтарилиб, ёзувчи, мусаввир, олим, архитектор бадиий тимсол тарзида дунёга келади ва оддий инсонлар қалбига кириб боради. Бироздан сўнг бу ғоя кўплаб одамларнинг маънавий мулкига айланади. Уларнинг борлиқ ва ижтимоий воқелик ҳақидаги тасаввурларини янгилайди. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бугунги кундаги сиёсий ва ижтимоий мавқеи ана шу билан ҳам белгиланади.

Жамиятимизда покланиш жараёни давом этмоқда. Бу, албатта, тарихдаги маълум бир қадриятларга суянган ҳолда амалга ошадиган жараёндир. Масалан, XX аср бошларида яшаб, ўз фаолиятида миллий озодлик ғоясини байроқ қилиб баланд кўтарган жадид зиёлилари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг сиймосини абадийлаштириш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтнинг энг йирик туманларидан бири бўлган Юнусобод тумани марказида «Шаҳидлар хиёбони»нинг бунёд этилиши ҳам ана шу эътиборли тадбирлардан биридир. Ўрни келганида шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, биз жадид зиёлилари ҳақида фикр юритганимизда биринчи галда Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Сўфизода ва бошқа бир қатор шоир ва ёзувчилар сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Лекин улар билан бир қаторда туриб, эл-юлдида ҳақиқатни баралла сўзлаган Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқай, Файзулла Хўжаев каби йирик намояндалар ҳам бор эдики, жадидчилик ҳаракати ҳаётнинг турли жабҳаларини ўз ичига қамраб олганининг гувоҳи бўламиз.

Бу каби масалалар ҳам «Миллий тикланиш» демократик партияси диққат марказида бўлиб, унинг сайловолди платформаси қат-қатларига сингиб кетганлигини эътироф этиш лозим.

«Миллий тикланиш» партияси халқ орасида шартли равишда «зиёлилар партияси» деб ҳам юритилади. Хўш, бугунги кун ўзбек зиёлиси қандай бўлиши керак? Зиёли одам биринчи навбатда ўз соҳасини пухта эгаллаб, илм-фаннинг энг асосий йўналишлари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши, қолаверса, ижтимоий тараққиёт қонуниятларидан бохабар бўлиши лозим деб ўйлаймиз. Ўзбек зиёлисида миллий қадриятларнинг аксарияти мужассам бўлиб, у даставвал, билимли, мулоҳазали, маданиятли, ориятли, андишали, камтар бўлиши керак. Унинг ички қудратига эса атрофидаги инсонлар баҳо беришади. Шу билан бир қаторда бугунги кун зиёлиси, албатта, журъатли ва мард, ҳар қандай шароитда Ватанини ҳимоя қилишга тайёр туриши керак.

Яна тарихга назар ташлайлик. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ички зиёси, унинг қалб нури буюк давлат бунёд этишга, уни ташқи душмандан муҳофаза этиб, туркий халқларнинг бошини бир ерга жамлашга замин яратди. Шунинг учун Амир Темур ҳақида ўйлаганимизда биринчи галда зиё, мардлик ва журъат каби сифатлари хаёлимизга келади.

Яқин ўтмишга назар ташласак, собиқ шўролар мафкурасида «Демократия — бу муайян синфнинг манфаатларини ифода этиш...» — деган талқин мавжуд эди. Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат бу қарашдан тубдан фарқ қилиб, бунда ҳар қайси тоифага мансуб бўлган фуқаронинг манфаатлари кўзда тутилади. Ваҳоланки, ҳақиқий демократия ҳукм сурган жамиятда ҳеч бир инсоннинг манфаатлари иккинчи даражали бўлиши мумкин эмас. Бунда миллати, жинси, динга муносабати, дунёқарашидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи давлат томонидан тўла кафолатланади.

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда демократиянинг яна бир сифати — кўппартиявий сиёсий тизим намоён бўлиб, ҳаётимизга тобора кенг кириб келмоқда. Сайлов жараёнида сиёсий партиялар билан бир қаторда ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодларнинг кўрсатилиши ҳам ҳеч қайси фуқаронинг манфаати четда қолмаслигини таъминлашга хизмат қилади. Донолар айтганларидек, «Ҳақиқат мунозарада туғилади». Мана шу ҳаётбахш мунозарани олиб бориш жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини акс эттирувчи сиёсий партиялар зиммасида ётади. Сайловлар натижасида дунёга келадиган янги Олий Мажлис қошида тузиладиган фракциялар айни мана шу ҳаётбахш мунозарани олиб бориб, умумий мақсад сари элтгувчи ягона тўғри йўлни яратадилар. Ўйлаймизки, «Миллий тикланиш» демократик партияси мазкур жараёнда ўз ўрни, ўз сўзи ва чуқур мулоҳазалари билан ажралиб туради.

Демократия кишилик жамияти тараққиётининг маълум даврида вужудга келади. Жамиятнинг демократияга етишиши халқнинг тайёргарлик даражаси билан чамбарчас боғликдир. Бунинг учун фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиш ва англашлари, ўз фаолиятлари билан мамлакатда қонун устиворлигини таъминлашлари зарурдир.

Абдуҳаким ҲОЖИБОЕВ,
«Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши биринчи котиби.



Мамлакатимизда бўлажак сайловларга тайёргарлик янги босқичга кирди. Айни кунларда сайлов комиссиялари зиммасида номзодларнинг сайловчилар билан тенг шароитларда учрашувларини ташкил этиш, сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳларининг сайловолди тарғибот дастурларининг мазмуни, моҳияти, мақсадини ҳар бири сайловчи чуқур идрок этишига эришиш каби муҳим вазифалар турипти.

Шу маънода олганда Ғазалкент шаҳрида жойлашган 11-сайлов округига қарашли 9-»Даҳана» сайлов участкасида ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 22-»Ғазалкент» сайлов округида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Бу жойларда сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олмоқдалар. Тарғибот гуруҳлари учун ҳам тўла шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: 22-»Ғазалкент» сайлов округи комиссияси раиси (чапдаги суратда ўнгдан иккинчи) Севара Хайрулина сайловчилар билан мулоқотда ҳамиша фаол; 9-»Даҳана» сайлов участкаси раиси Тамара Усмонова ва раис муовини Ўрол Давроновлар тарғибот гуруҳи аъзолари билан суҳбатда.

Владимир ПОРТНОВ олган суратлар.

БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР АРАБ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, шунингдек Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар мустақил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий-ижтимоий воқеадир. Шу боис унга хорижий давлатларда ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, Судия Арабистонида чиқадиган «Ар-Риёд» газетаси «Ўзбекистон: Президент сайловларида иштирок этиш учун бешта партия рўйхатдан ўтказилди» сарлавҳали ахборот чоп этди. Унда Марказий сайлов комиссияси мажлисидан олинган маълумотлар эълон этилган.

Миср Араб Республикасининг Қоҳира университетида эса республикамизда сайловлар ўтказилиши муносабати билан «Ўзбекистонда сайловлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Миср давлат ва жамоат арбоблари, илмий муассаса ва олий ўқув юртлари вакиллари, олим, ёзувчи, шоир ва журналистлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимизнинг сайловга алоқадор қатор қонунларининг ижроси ва уларнинг дунёда эътироф этилган халқаро тажриба, тартиб ва қоидалар билан ҳамоҳанглиги ҳақида сўз юритилди.

Суҳбатда Қоҳира университети ҳуқуқшунослик факультетининг профессорлари, президент ва парламент сайловларнинг назарий ва амалий масалалари бўйича йирик мутахассислар Маъмун Салама, Ҳасанейн Убайд, Суад ашШаркавий сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатаётганликларини таъкидлаб, ўтган давр мобайнида мамлакатда янги давлатчиликни бунёд этиш, ҳақиқий миллий парламентаризмни вужудга келтиришда катта ютуқларга эришилганлигини мисоллар билан асослаб бердилар. Янги парламент сайловлари арафасида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, халқ турмуш фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш каби ғоялар билан йўғрилганлиги ва бу ҳужжатлар халқаро андозаларга мос келиши таъминланганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Миср Араб Республикаси Халқ мажлиси депутати, парламент халқаро алоқалари ҳайъатининг раиси, д-р Муҳаммад Абдил Илоҳ Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг етакчи давлати даражасига кўтарилганини таъкидлаб ўтди.

— Ушбу мамлакатда XX аср охирида рўй бераётган халқаро аҳамиятга молик демократик ўзгаришларнинг ёркин намуналарини кўриш мумкин. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик институтларни шакллантириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар дунёнинг жуда кўп давлатлари учун ибратлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов кўппартиявийлик асосида ўтказилиши бу ерда чинакам парламентаризм қонунларига жавоб берувчи янги халқ ҳокимияти яратилганидан дололат беради, — деди мисрлик таниқли давлат ва жамоат арбоби д-р М. Абдил Илоҳ.

Суҳбатда шунингдек, «Ал-Аҳром», «Ал-Гумҳурия» газеталари, «Ниоф уд-Дунё» журнали, Мисрдаги Осиё илмий-тадқиқот маркази, Айн-Шамс университети, «Юнимебель» акционерлик ширкати раҳбар ва вакиллари сўзга чиқдилар.

Р. ҚОДИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

Ижтимоий муҳофаза

САМАРАГА ЯРАША МАНФААТДОРЛИК

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» акциядорлик жамияти жамоаси барқарор ишламоқда. Режалар деярли барча кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажариляпти. Бунинг натижасида даромад ва фойда олиш муттасил кўпаймоқда. Агар 1995 йилда олинган соф фойда 55 миллион сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, ўтган йили у деярли 350 миллион сўмга етди.

Бундай натижага ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар соҳада тежамкорликни кучайтириш эвазига эришилмоқда. Маҳсулотни жаҳон бозорига чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасининг салмоқли бўлиб бораётганлиги ҳам шунга хизмат қиляпти.

Олинган фойданинг муайян миқдори акция эгаларига дивиденд сифатида тўланмоқда. Айни вақтда у ишлаб чиқаришни режалаштириш ҳамда жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаларига ажратилмоқда.

Корхона маъмурияти касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига тобора катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда барча имкониятлар ишга солиняпти. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилалари фаровонлиги яхши бўлса, бу ишлаб чиқаришнинг бир маромда бориши ва юксалишига ёрдам беради. Жамиятнинг фаолияти ҳам шундан яққол далолат бериб турипти.

Корхонада жамоа аъзоларининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги ортиб боряпти. Ҳалол ишлаган, топшириқларни муваффақиятли адо этган ҳар бир ишчи-хизматчи шунга яраша рағбатлантирилмоқда. Уларга тўланадиган иш ҳақи мунтазам ошиб боряпти. Биргина ўтган йили унинг миқдори олдинги йилдагига қараганда, деярли 3700 сўм ошди ва ўртача ўн минг сўмдан ҳам ортиб кетди. Жорий йилда ҳам имкониятга қараб ошириб бориляпти.

Бир йилда жамият аъзолари га тўй ва турли маросимларни ўтказиш, соғлиқларини тиклаш ва мустаҳкамлашга моддий рағбатлантириш жамғармасидан сарфланган маблағ миқдори 3 миллион 200 минг сўмликни ташкил этди. Ишчилар бетоб бўлиб қолганларида дори-дармон сотиб олишлари учун ҳам пул ажратилди. Бунинг учун бир йилда 210 минг сўм сарфланди.

Ишчилар мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Бунинг учун «Мдс Сервис» ташкилоти билан ўзаро шартнома тузилган. Унинг ҳисобига корхона 1,5 миллион сўм атрофида маблағ тушириб берди. Бу пул эвазига 420 нафар ишчи тиббий кўрикдан ўтказилди. Жамоа аъзоларининг саломатликларини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Бу соҳада мамлакатимиз пойтахтидаги етакчи тиббий муассасалар билан ҳамкорлик қилиняпти. Чунончи, биринчи сонли шифо марказига икки юз минг сўм тўланиб, тўрт нафар ишчи даволанди. Семашко номли даволаш масканида жамоанинг ўн нафарга яқин аъзоси ўз саломатлигини тиклади.

Маъмурият ва жамоа ташкилотлари муҳтож, кам таъминланган оилалар рўйхатини тузган, уларга вақти-вақти билан моддий ёрдам берилади. У пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа шаклда бўлади. Бир йилда шу йўл билан оилавий шароити ночорроқ бўлган ишчи-хизматчиларга кўрсатилган моддий ёрдам ҳажми 3 миллион 200 минг сўмга етди.

Жамоа аъзолари корхонага қарашли ошхонада имтиёзли нархларда овқатланадилар. Чунки, унга озиқ-овқат маҳсулотлари бозордагидан анча арзон нархларда етказиб берилади. Ишчи-хизматчиларнинг жажжи фарзандлари тарбияланаётган боғча ҳам худди шундай таъминотга ўтган. Болаларни тарбиялаш ва боқиш учун харажатларни асосан корхона ўзининг ижтимоий жамғармаси ҳисобидан тўламоқда. Фақат ошхона ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун кўрсатилган ёрдам пули бир йилда деярли 3 миллион 900 минг сўмни ташкил этди.

Жамият ўзининг ёрдамчи хўжалигига ҳам эга. У гўшт ва сут етиштиришга мўлжалланган. Бундай чорвачилик маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилмоқда, ошхона ва болалар боғчаларига эса, текинга етказиб бериляпти. Бир йилда ёрдамчи хўжаликда 26 тонна гўшт тайёрланди. Унинг 21,5 тоннаси ишчи-хизматчиларга байрамлар арафасида тарқатилди. Жамоанинг ҳар бир аъзосига берилган бундай кимматли озиқ-овқат маҳсулоти миқдори ўртача 21 килограммданга тўғри келди. Улар ҳар бир килограмми учун 45 сўмдан ҳам кам пул тўладилар. Бундан ташқари, хўжаликдаги сигирлардан ҳар йили тонна-тонналаб сут соғиб олинмоқда ва ишчи-хизматчиларга тарқатиляпти.

Ҳа, акциядорлик жамияти бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида ҳам бир маромда ишлаётган экан, унинг муҳим омилларидан бири жамоа кучли ижтимоий муҳофаза қилинаётганлигидадир. Бу ишчи-хизматчиларни сидқидилдан меҳнат қилишга ундамоқда, чунки, натижа қанчалик самарали бўлса, моддий манфаатдорлик ҳам шунчалик салмоқли бўлиши амалда кўринмоқда.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ЯХШИ СИФАТ БУЮРТМАЧИНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН кимё машинасозлиги» ҳиссадорлик жамиятининг қозонхона-пайвандлаш цехини корхонанинг етакчи бўлинмаси «юраги» деб ҳисоблашади. Бунинг боиси бор, албатта. Бу цех жамоаси тайёрлаётган турли-туман мураккаб кимёвий асбоб-ускуналар довруғи мамлакатимиз оша, хорижга ҳам тарқалди.

Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқарилаётган компрессорлар, турбоҳавопуркагичлар, турбоагрегатлар ва бошқа шу каби жиҳозларнинг бозори ҳамон чаққон.

Айниқса, сўнгги йилларда республикамизда нефть, газ ва кимё саноати тармоқларининг жадал ривожланиши бундай ускуналарга бўлган талабни янада оширди.

Ўтган ва жорий йилларда Шўртондаги газнефть саноати корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш комбинатининг иншоотлари қурилишига янги жиҳозлар етказиб берилди. Бу йилги буюртмалар ҳам катта ҳажмни ташкил этади. Цех машинасозлари 585 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш юзасидан белгиланган йиллик маррани муваффақиятли эгалламоқда. Ўтган саккиз ойда режанинг 450 миллион сўмлиги бажарилди, бошқача қилиб айтганда, бундай маҳсулотлар вазни 720 тоннани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 60 тонна кўпдир.

Бу етакчи ишлаб чиқариш бўлинмасининг бир маромда ва самарали ишлаши умуман корхона жамоасининг меҳнатдаги барча кўрсаткичларининг кўнгилдагидек бўлишига олиб келмоқда. Ҳиссадорлик жамияти кўп жиҳатдан шу туфайли ишлаб чиқариш режаларини муваффақият билан уддалаяпти.

— Корхонамизнинг буюртмалар жавони йил охиригача тўла қувват билан ишлашимиз учун етади, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Виктор Алексеевич Волгин. — Ҳатто, келгуси йил жавони ҳам тўлиб қолди. Буюртмачиларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, жамоамиз учун қувончлидир. Ҳомашё муаммоларини ҳам ҳал қилишга эришмоқдамиз. У кўп жиҳатдан маркетинг хизматини уюштираётганимиз туфайли таъминланяпти.

Корхона буюртмачилари сафига яна бир йирик мижознинг қўшилиши кутилмоқда. У ҳам бўлса Қорақалпоғистоннинг Қўнғиротида барпо этилаётган сода заводидир. Уни қуришда иштирок этаётган Олмониянинг «Техпимэкспорт Зайффрат» фирмаси вакиллари яқинда «Ўзбеккимёмаш»да бўлиб, тайёрланаётган ва сода заводида ишлатилиши мумкин бўлган қатор асбоб-ускуналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан танишдилар. Маҳсулотлар уларга манзур бўлди. Икки ўртада ҳамкорлик қилишга розилик билдирдилар. Бу корхона жамоасига сода заводи қурилиши учун катта ҳажмдаги асбоб-ускуналарни тайёрлаш имконини беради.

Шокиржон ТЎҒОНОВ,
«Чирчиқ» газетаси муҳаррири.

Бир корхона хабарлари

ТУРИ ЮЗТАДАН ОШДИ

«САНОАТҚАЛИНҚОҒОЗ-САВДО» очиқ турдаги акциядорлик жамияти республикамиз қоғоз саноатининг етакчи корхонаси ҳисобланади.

Бу ерда ҳар йили ўнларча минг тонна оддий қалин қоғоз, миллионлаб квадрат метр қатқат бурма қоғоз ва улардан кўп миқдорда қутилар ишлаб чиқарилмоқда. Жамоа қўлидан чиқаётган бундай маҳсулотларга бозорда талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга маҳсулотнинг харидор талаб қилаётган турларини тайёрлаш ўзлаштириляпти.

Бу маҳсулотлар енгил, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, электротехника, пойабзал ва қатор бошқа тармоқларда кенг ишлатиляпти. Ҳозирга келиб мижозлар буюртмаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури юздан ҳам ошиб кетди. Биргина қат-қат бурма қоғоздан тайёрланаётган қутичалар 140тадан ортиқроқ ўлчамда тайёрланмоқда.

ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

КОРХОНАНИНГ ўзига хос томони шундаки, у чиқиндилар асосида ишлайди. Корхонада кейинги йилларда деярли 150 минг тонна атрофидаги макулатура қайта ишланди.

Ҳиссадорлик жамиятидаги турли ишлаб чиқариш жараёнлари чиқиндиларидан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар йили улардан юзлаб тонна маҳсулотлар тайёрланяпти.

Жамоа картон ишлаб чиқаришда каноп, шолипоя ва пахта линтини ҳам тобора кўпроқ ишлатмоқда. Кейинги вақтларда биргина канопдан сал кам 500 тонна, 400 тоннага яқин линт, юзлаб тонна сомон ва шолипоядан фойдаланилди. Картончилар бундай арзон чиқиндиларни ҳомашёларни қўшиб маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги-янги имкониятларни ишга солишмоқда.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА — ТОШКЕНТДА

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликка эришганидан сўнг жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътиборига тушди. Нуфузли анжуманлар, халқаро учрашувлар, йирик кўргазмаларнинг республикамиз пойтахтида ўтказилиши дунё нигоҳини мамлакатимизга янада фаолроқ қаратди. Куни кеча бошланган халқаро кўргазма ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Айни кунларда давом этаётган, пойтахтимиздаги «Ўзэкспормарказ»да намойиш этилаётган кундалик эҳтиёж ва озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси ташриф буюрувчиларнинг катта қизиқишига сабаб бўлаётир.

Мазкур кўргазма Ўзбекистонда бешинчи бор ўтказилмоқда. Иқтисодиётимизда эришилаётган ютуқлар, саноат ва қишлоқ хўжалик соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар кейинги пайтларда хорижий сармоядорларнинг эътиборини тобора ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Шу боис кўргазмада Олмония, Франция, Австрия, Швейцария, Таиланд, Жанубий Африка Республикаси каби дунёнинг ўн бешдан зиёд мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ўттиздан ортиқ компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок қилмоқдалар. Халқаро кўргазмада анъанавий мижозлар билан биргаликда илк бор қатнашаётган компаниялар ҳам анчагина. Бу, шубҳасиз, кўргазманинг катта нуфузидан далолат бермоқда. Чунки, кўргазма хорижий компаниялар вакилларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан амалий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга, янги қўшма корхоналар ташкил этишга замин яратади.

Воқеалар тўлқинида

● БМТнинг Бош Ассамблеясида 40 йил муқаддам Кубага нисбатан жорий этилган жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги масала кўтарилмоқда. Мазкур муаммога тааллуқли резолюцияни ёқлаб 155 мамлакат вакиллари овоз бердилар. Бунга фақат АҚШ ва Исроил қарши чиқди. Саккиз делегация, хусусан, Грузия, Латвия, Ўзбекистон, Эстония бетараф қолдилар.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига халқаро ҳамжамиятнинг Тожикистондаги кузатувчи миссияси ваколатини навбатдаги олти ойга — 2000 йил 15 майгача узайтиришни маслаҳат берди.

● Парагвай билан Куба ўртасидаги дипломатик муносабатлар 38 йилдан сўнг қайта тикланди.

● ЖАНУБИЙ Корея билан Мўғулистон ҳукуматлари ўртасида табиий захираларни ҳамкорликда қайта ишлаш тўғрисидаги битим имзоланди.

● ИНДОНЕЗИЯ президенти Абдураҳмон Воҳид Вьетнамга келди. У ташриф доирасида мазкур мамлакат раҳбарлари билан учрашди ва икки давлат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ҳамда халқаро масалалар юзасидан ўзаро музокаралар ўтказди.

● ЖАҲОН банки Хитойдаги Хуанхе дарёсининг сув ва тупроқ захираларини сақлаш борасидаги лойиҳа ижросини таъминлаш учун 150 миллион АҚШ доллари ажратди.

«ТАРИХИЙ ДЕВОР»НИ ЭСЛАБ...

ЖОРИЙ ҳафтанинг энг катта воқеаларидан бири собиқ ГДР билан ГФР ўртасидаги Берлин деворининг нурашига бағишланган воқеалар бўлди. Маълумки, бундан ўн йил муқаддам бир мамлакат ҳудудидаги икки давлат ўртасида тикланган 180 километрлик ғов барҳам топган эди. Бранденбург дарбозаси яқинида ўтказилган тантаналарга собиқ СССРнинг собиқ президенти М. Горбачёв, АҚШнинг собиқ президенти Ж. Буш ҳамда Олмониянинг собиқ канцлери Г. Коль ва бошқа арбоблар ташриф буюрдилар. Тантаналар давомида Олмония Федератив Республикаси президенти Йоханнес Рау М. Горбачёвга мамлакатнинг энг нуфузли мукофоти «Алоҳида даражадаги хизматлари учун катта хоч» орденини топширди.

ЯХШИ ЖОЙ БЎШ ҚОЛМАЙДИ

ЯҚИНДА Халқаро Валюта Фондининг фармойишкор-директори Мишель Камдессю янаги йилнинг февраль ойидан эътиборан истеъфога чиқажаклигини эълон қилди. ХВФ БМТнинг махсус муассасаларидан бири бўлиб, халқаро валюта-кредит ташкилоти ҳисобланади. У 1945 йилнинг 27 декабрида таъсис этилган эди. Ўша давр мобайнида мазкур маҳкамага 182 давлат аъзо бўлди. Халқаро валюта Фонди жаҳондаги қатор мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. М. Камдессю ўрнига Британия молия вазири Гордон Брауннинг ёхуд аёл кишилардан бирортасининг раҳбар бўлиши кутилмоқда.

«АҚЛЛИ МАШИНАЛАР АҚЛИ» ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

ХХ АСРНИНГ энг нодир кашфиётлари сирасига «ақлли машиналар» — компьютерлар киради. Уларнинг ҳаммаси 2000-йилга тайёрми?..

Бу савол деярли барча мамлакатларнинг ҳукуматларини жиддий ўйлантирмоқда. Янги йил яқинлашгани сайин ишлари компьютер билан бевосита боғлиқ бўлган одамларнинг ҳавотирлиги ҳам тобора ортиб бораётир. Бундай техника илк бор ишлаб чиқилганда хотирада «бекорчи унсурлар»ни камайтириш мақсадида йилларнинг дастлабки икки рақами ёзилмас эди. Кейинчалик хотира қуввати кучайган бўлсада, анъана ўзгармади ва кўплаб компьютерлар йилларни иккитагина рақам билан ажратадиган бўлди. Ана шу анъана 2000-йилда жуда кўп тармоқларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки, 1999 йилни «99» деб танийдиган компьютер 2000 йилни «00» яъни «1900» деб қабул қилади. Бу қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан айтиб бериш қийин. Лекин, дастурларда зиддиятлар келиб чиқиши ва техниканинг бутунлай бузилиши эҳтимоли жуда катта.

Дунёнинг қатор мамлакатларида «2000 йил» муаммосининг олдини олиш учун миллионлаб маблағ сарфланиб, энг муҳим тармоқлар текширувдан ўтказилмоқда. Эски авлод компьютерлари янгилари — 2000-йилни «тушунадиган»лари билан алмаштирилмоқда. Шундай бўлсада, кўпчилик олимлар хотиржамликка берилмаслик керак, деган фикрда.

Умуман олганда, муаммонинг олдини олиш борасида дунёнинг бошқа давлатларда бўлгани каби, масалан, Японияда ҳам барча чоралар кўрилди. Алоқа, молия, электр энергияси, сув таъминоти, озиқ-овқат, хуллас, компьютерлардан фойдаланиладиган барча соҳалар — хизмат кўрсатувчи фирма ва компаниялар, давлат идоралари «юз фоиз тайёргарлик ҳақида» ҳисобот бердилар. Лекин, барибир ҳукумат аъзоларининг кўнгли тўлмаяпти.

Оддий одамлар эса хавфни унчалик кўнглига олаётгани йўқ. Янги йил арафасида уларнинг озиқ-овқат ғамлаши турган гап. Лекин, бу харажатлар муаммодан хавфсираш туфайли қилинмайди. Шунчалик, тасмилга кўра, қатор мамлакатларда янги йил кирган айёмларда кўпчилик дўконлар ишламайди. Шунинг учун ҳам эртани ўйлаб қўйган киши панд емайди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Эстрада тароналари.
9.10 «Ўзлик».
9.40 «Бир қадам...».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
10.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.45 Кундузги сеанс: «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
12.05 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
12.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Ойдин келажак йўлида»
13.20 «Олтин дала».
14.10 «Шоҳруҳ» клуби.
14.40 «Оталар чойхонаси»
15.40 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Алла».
16.00 «Муҳаббат дарси».
16.20 «Бу шунақа ўйин». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Истеъдод» Мусиқий дастур.
18.30 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво».Мунис лирикаси.
21.50 «Тараққиёт йўли».
22.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.98-қисм.
23.00 «Маънавият» дастури.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.35 Жараён.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». «Фидокорлар миллий демократик партияси».
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Ёшлар» телеканалида.
19.55 Мен овоз бераман.
20.00 Маслак ва мақсад. «Ватан тараққиёти» партияси.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 Дунёга йўл.
21.50 «Мен овоз бераман».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Миллионлар ўйини. 2.Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
01.00 «TV-саёҳат».
01.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

18.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Телефакт»
19.15 Эфирда — «Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 80-серия.
20.10 «Бурч ва масъулият».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Сиз соғинган наволар». Н. Аҳмедова.
22.10 «Кўзгу». Тележурнал.
22.45 «Индаба». Телесериал. 8-серия.
23.10 «Спорт-тайм».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Ҳақиқат билан тўқнашув».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

14.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
14.15-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тенгдошлар».
17.00 «Давлат реформаси». Видеофильм.
17.40 «Мультчархпалак».
РДТ
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси (Австрия-Германия)
* * *
18.50 «Уорлднет» янгиликлари.
19.00 «Ит уяси». Телесериал.
19.25 «Оламда нима гап?».
19.35 «Дил изҳори».
РЖТ
19.40 «Лўли». Сериал. 4-серия.
20.45 «ТВ 4-да Немис тўлқини».
21.00 «Время».
21.40 «Махфий ҳужжатлар» (X-files)
23.25 «Дил изҳори».
23.30 «Вести».
24.00 Кинематограф: «Қароқчилар». Бадиий фильм.
01.45 «Ахборот» (рус тилида)
02.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Соз сеҳри».Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 98-қисм
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 «Ха, ха, ха». Ҳазил, хажв, хангома.
10.50 Кундузги сеанс: «Жонли камалак». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Санъат олами»
12.25 «Оила». Тележурнал.
12.50 «Маънавият» дастури.
13.40 «Истиқлол нашидаси».
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.35 «Қувноқ стартлар» Телемусобақа.
15.15 «Шийпондаги учрашув».
16.00 Маърифатнома. «Дин ва демократия».
16.30 «24-25» қайтмаяпти». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Болалар учун «Севимли созим».
18.30 «Олам ва одам»
18.40 «Ҳунарманд».Тележурнал
19.00 «Қалқон».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Дунё гавҳарисан азим Самарқанд».
22.15 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.05 «Ўзлигинг намоён қил!».Экранда — Тошкент вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм.2-серия
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 98-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». «Халқ демократик партияси».
19.45 Ғазал соғинчи.
20.00 Маслак ва мақсад. Мустақил номзодларни қўллаб қуватлаш маркази.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Мен овоз бераман».
21.05 «Ёшлар овози».
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «Марду-майдон».
21.50 «Сарвиноз».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Мунисам».
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
00.35 «Янги тонг».

ЎзТВ III

18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 Эфирда — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 81-серия.
20.10 Эстрада концерти,
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар ҳудуди». Мен сайловчиман.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Индаба». Телесериал. 9-серия.
23.10 «Суҳбатдош».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Керакли одам».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». Ҳокимият вакиллик органлари.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
РДТ
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
РЖТ
18.55 «Сени излайман».
19.40 «Лўли». Сериал. 5-серия.
20.45 «Спорт-клуб».
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?».
22.25 «Дил изҳори».
22:30 «Вести»
23.00 Кинематограф: «Коломбо. Тасвирга тушган ўлим». Бадиий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Кўнгил таронаси». Мусиқий дастур
9.10 «Хомхаёл». Мультфильм.
9.20 «Меҳригиё».
9.40 «Озод юрт одамлари «
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мактублар — кабутарлар»
10.35 Кундузги сеанс: «Чегем ҳангомалари». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
12.55 Дзюдо бўйича хотира турнири.
13.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан» Адабий кўрсатув
14.40 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
15.00 «Фан — тараққиёт негизи».
15.20 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Баҳтиёр Холхўжаев куйлайди».
15.40 «Талаб ва таклиф».
16.00 «Жаҳон спорти».
16.15 «Тихомиров фожиаси».Бадиий фильм.
17.45 «Аёл борки, олам мунаввар».
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Юрт хавоси — тан давоси»
18.45 «Мулоқот».Адабий кўрсатув.
19.05 «Фермер». Тележурнал
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловлар ва биз».
21.25 «Санъатга бахшида умр». Ориф Алимахсумов.
22.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
«Тунги ҳамроҳ»
22.20 «XXI аср талабалари».
23.20 «Кулгу-терапия».
24.00 «Ахборот».
00.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 99-қисм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.25 «Рақслар қанотида».
18.45 «Сифат ҳақида суҳбат».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». «Миллий тикланиш» демократик партияси.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 «Ёшлар» телеканалида.
19.55 «Мен овоз бераман».
20.00 Маслак ва мақсад. «Ҳокимият вакиллик органлари».
20.30 «Спорт-лотто».
20.40 «Лаззат».
21.05 «Ракурс».
21.25 «Эркин фикр».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 «Мен овоз бераман».
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 Мусиқий лаҳзалар.
23.20 «Мен овоз бераман».
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
01.10 «Хит-коллекция».
01.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

18.00 Болалар учун. «Совға».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Мусоҳаба».
19.15 Эфирда — Ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 82-серия.
20.10 «Олтин давр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
21.45 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Долзарб мавзу».
22.45 «Индаба». Телесериал. 10-серия.
23.15 «Куз хаёллари».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Ўлимга тенг олишув».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 «Сайловлар ва биз». «Адолат» социал-демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
РДТ
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
* * *
18.50 «Дил изҳори».
РЖТ
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Лўли». Сериал. 6-серия.
20.45 «Сизнинг адвокатингиз».
* * *
21.00 «Время».
* * *
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?».
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Океан ортига саёҳат. Япония».
23.15 «Бевафолар». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».Телесериал. 99-қисм.
10.00,12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар
10.05 Япон тили.
10.25 Кундузги сеанс: «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
11.40 «Бола бошидан».
12.05 «Сайловлар ва биз».
12.25 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
12.45 «Меҳр қолур».
13.00 «XXI аср талабалари».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 «Адолат мезони».
14.50 «Бу олам саҳнида».
15.20 Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича «Тўмарис» республика аёллар фестивали.
15.40 «Заковат сарчашмаси».
16.00 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
17.30 «Шодонлигим-шодлигим».Озода Назарова.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Болалар учун «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Ажаб саодат эрур» Бадиий - публицистик кўрсатув..
19.00 «Ҳидоят сари»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс-садо».
21.35 «Ватандин яхши ёр ўлмас».
22.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.00 «Битик».
23.20 «Сомон йўли».
23.50 «Ахборот».
00.20 «Хевсур қиссаси» . Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 99-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларини сайловолди платформаси.
19.45 «Мезон».
20.00 Маслак ва мақсад. «Адолат» социал-демократик партияси.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05 «Бегойим».
21.30 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.35 Марказий сайлов комиссияси ҳабарлари.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Мен овоз бераман».
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.Спорт қитъаси.
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Адолат» социал-демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 83-серия.
20.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ханда дўкони».
21.45 «Саховат».
22.00 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Индаба». Телесериал. 11-серия.
23.10 «Таманно». Тележурнал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Шаҳарлик келин».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
* * *
16.10 «Сайловлар ва биз». Фидокорлар миллий демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
РДТ
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
*
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Ит уяси». Телесериал.
19.20 «Дипкурьер».
РЖТ
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 1-серия.
*
20.45 СНН-шоу.
*
21.00 «Время».
*
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.35 «Оламда нима гап?».
22.45 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. «Тириклайин қўлга олинсин». Бадиий фильм.
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 19

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.15 «Камолот сари».
9.35 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Миниатюра-ранг тасвири»,»Унутилган ўйинлар».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили
10.35 Кундузги сеанс.
11.40 «Оламни асранг».
12.05 «Жавоҳирлар хазинаси».
12.35 «Кўзгу». Тележурнал.
13.05 Ватан тимсоллари.
13.10 «Жиловланмаган Африка».Телесериал.
14.10 «Сомон йўли».
14.40 «Шарқ тароналари»
15.00 «Умид» — сафарда.
16.00 «Теран томирлар».
16.15 «Милоддан илгари».Адабий кўрсатув.
16.35 «Қора ўқ». Бадиий фильм.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Тўртинчи ҳокимият».
18.50 «Чемпион билан учрашув».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи».
21.40 «Баркамол авлод орзуси».
22.05 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.00 «Ахборот»
23.30 Волейбол.
24.00 «Зўр ўтирибмиз» .
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.40 «Талабалар шаҳарчаси».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органлари сайловолди платформаси.
19.45 «Аср қиёфаси».
20.00 «Маслак ва мақсад». Фидокорлар миллий демократик партияси.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Қизим сенга айтаман».
21.15 «Автосалтанат».
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Мен овоз бераман.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Наволарда аён этсам.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.40 Синема.
01.10 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Турна халифа».
10.35 «Спорт оламида».
10.50 «Сайловолди ўйлари».
11.05 А.Слоним, Х.Қосимов. «1002 кеча ёки_» А.Навоий номидаги катта опера ва балет театрининг спектакли.
12.00 «Ёввои табиат».
12.50 «Ёқимли оҳанглар».
13.10 «Ханда дўкони».
13.35 «Кинонигоҳ».
14.45-15.00 «Пойтахт».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун «Қуралай».
18.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — Фидокорлар миллий демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 84-серия.
20.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Онагинам».
21.45 «Маслаҳат, даволаш, саломатлик».
22.45 «Индаба» Телесериал. 12-серия.
23.05 «Ёшлар куйлаганда».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Пушаймон».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 «Сайловлар ва биз». Халқ демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Бу ажиб дунё».
19.05 «Дил изҳори».
19.15 «Ит уяси». Телесериал.
РЖТ
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Дурдаршан»
*
21.00 Время
*
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.35 «Оламда нима гап?».
22.45 «Сайлов-99».
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Хидоят сари»
9.40 «Зийнат».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Орзулар қанотида»
10.25 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.45 «Қалб сайёраси»
*
11.10 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Учрашув»
12.15 «Акс-садо».
12.45 «Ўзбек спортининг нуфузи»
13.00 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
13.50 «Мус - ринг» Телешоу.
14.20 «Сайқал»
14.40 А.Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
16.00 «Нурли келажак».
16.20 «Маҳорат»
16.40 «Энг жозибали, энг латофатли қиз».Бадиий фильм
18.00 Болалар учун «Қувноқ дақиқалар»
18.20 «Фламинго».Кинокўрсатув.
18.40 «Шарқнинг машҳур аёллари»
19.00 «Иқтисод ва биз».
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.30 «Изҳор». Мусиқий дастур.
Спорт дастури:
22.15 «Интерспорт»
22.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги.
23.00 «Халқнинг кўнгли»
23.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 «Рэчел Хардкайстя». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари

ЎзТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 98-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 Дилбарим.
11.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
11.50 Ракурс.
12.10 Кутилмаган меҳмон.
12.30 Бир жуфт қўшиқ.
12.40 «Мен овоз бераман».
12.45 «Рамаяна». Телесериал.
13.20 Мусиқий лаҳзалар.
13.30 «Рақслар қанотида».
13.50 «Спорт қитъаси».
14.50 «Сир».
15.10 Шу куннинг мавзуси.
15.20 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
16.05 «Ёшлар» телеканалида.
16.10 Синема.
17.40 Хит-коллекция.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мультомоша).
18.35 Ёшлар куйлайди.
18.50 «Мен овоз бераман».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
19.45 Бизнес-академия.
20.00 Маслак ва мақсад. Халқ демократик партияси.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
21.30 Мен овоз бераман.
21.35 Хайрат.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Мусиқий глобус.
22.50 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
23.20 Синема.
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 Болажонлар экрани. «Уч бақалоқ».
10.55 «Ёшлар ҳудуди». «Мен сайловчиман»
11.25 «Бева Бланка». Телесериал.
12.10 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
12.30 «Сиз соғинган наволар».
13.05 «Кинонигоҳ». «Пушаймон».
14.20 «Ишдаги ишқ ёки..»
14.45-15.30 «Дўстлик» видеоканали.
18.00 Болалар учун. «Уйинленд». Телеўйин.
18.20 Бугун сиз билан «Шанба дастури».
18.25 «Мисли гавҳар».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 Даромадлик дараклар.
19.15 Эфирда - Халқ демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 85-серия.
20.10 «Таянч».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Лирик концерт».
22.00 «Даллас».Телесериал.
22.50 «Олам».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси» .
9.35 «Икки рояль».
10.20 «Дурдаршан».
10.35 «Спорт-клуб».
10.50 «ТВ-4да Немис тўлқини».
11.05 «Биргаликда куйлаймиз».
11.50-12.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 «Б.С.Н.Янгиликлари».
19.00 «Дил изҳори».
РЖТ
19.15 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.
21.00 «Время».
*
22.00 Кинематограф.
00.15 Клипомет.
01.45 «Ахборот» (рус тилида)
02.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак».
9.00 «Сирли созлар маскани».Мусиқий дастур.
9.25 «Ўзбектелефильм»асарлари намойиши: «Тўй либослари».
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Табассум кўчаларида»
11.30 «Шоҳруҳ» клуби.
12.00 «Бўстон». Тележурнал.
12.30 «Мозийдан бир мўъжиза».
12.45 «Келин-куёв».Телешоу.
13.40 «Нигоҳ».
14.00 «Муштарак оҳанглар».
14.25 Кундузги сеанс.
16.00 «Ёзувчи ва замон».
16.20 «Ҳамроз». Бадиий фильм..
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 Мультфильм.
17.50 «Олтин тож».
18.10 «Қишлоқ ҳақида ўйлар»
18.30 Ёш ижрочилар концерти.
18.55 «Ўзлик».
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Сарҳисоб».
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.35 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал».
23.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги
23.40 ТВ-1 намойиш этади. Телеананс.
«Аср мўъжизаси»
23.55 Кино янгиликлари.
00.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.30 «Уйинчилар» Бадиий фильм.
02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

9.00 Якшанбада яхши дам.
9.15 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 99-қисм.
10.55 «Ёшлар» телеканалида.
11.00 «Бегойим».
11.25 Эколаш. Энг даҳшат ўнталик.
11.40 «Мезон».
11.55 Мусиқий лаҳзалар.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
13.00 Лаззат.
13.20 «Рамаяна». Телесериал.
13.55 «Марду-майдон».
14.15 Танишинг: Иқбол Солиев.
14.30 «Эркин фикр».
14.50 «Цирк, цирк, цирк...»
15.10 «Ҳудуд».
15.40 Ёшлар овози.
16.00 Сифат ҳақида суҳбат.
16.15 «Компьютер-Осиё».
16.25 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», мульттомоша).
18.40 «Рамаяна».
19.15 «Спорт хафтаномаси».
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси
19.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
20.00 Маслак ва мақсад. «Халқ демократик партияси».
20.30 «Синфдош».
20.50 «Ёшлар» телеканалида.
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Хафта ичида.
21.40 «Якшанбада кўришгунча».
22.00 Маслаҳат.
22.40 «Олам футболи».
23.00 «Компьтер-Осиё».
23.10 Синема.
00.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
10.20 «Болажонлар экрани». «Етти умид камалаги».
11.30 «Янги ой чиққан кеча».
11.55 «Бева Бланка». Телесериал.
12.35 «Туризм ҳақида».
13.05 «Жозиба».
13.25 «Кўзгу». Тележурнал.
13.50 «Спорт-тайм».
14.10-16.30 Такрорий фильмлар экрани. «Доно Мандухай хоним».
17.50 «Ойнаи жаҳонда».
18.05 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «XXI аср авлодлари».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Миллий тикланиш» демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 86-серия.
20.10 «Дурдона».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ибрат».
21.35 «Даллас».Телесериал.
22.25 «Нуроний». Маросимлар ҳақида ўйлар.
22.45 «Етти иқлим оҳанглари».
23.05 «Хориж ҳангомаси».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Полиция академияси».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Фан-тайм».
11.30-12.15 «Дўстлик» видеоканали. «Дидар», «Айчурек».
* * *
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Тенгдошлар».
18.25 «Кинопрофи».
18.45 Қувноқ воқеалар «Аралаш» ҳажвий киножурналида.
19.10 Якшанба премьераси: «Заволи кетмас». Кинокомедия.
21.00 «Дил изҳори».
21.10 «Британия кундалиги».
21.25 «Интернет ҳудуди».
21.40 «Мюзик-холл»
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.15 Якшанба кинозали: «Карта, пул ва ажал тиғлари».
23.55 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 14-17 ноябрь кунлари ҳарорат аста-секинлик билан кўтарила боради. Айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан Шарққа томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрни ташкил этади. Кечалари 0-5 даража илиқ, кундуз кунлари эса 4-9 даража, кейинроқ 12-17 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

Янгийўл туманида жойлашган «Умид» ҳиссадорлик жамиятини банкрот деб топиш учун Тошкент вилоят ночор корхоналар ишлари бошқармасининг хўжалик судига берган даво аризасига биноан 15.11.99 йил соат 12.00 да кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳар, А. Темур кўчаси, 24-уй, 4-қават, 415-хона.

1999 йил 11 ноябрь куни Тошкент «Отчопар» бозорида Мирзо Улуғбек туманидаги «Пермас» хусусий фирмасининг бухгалтерлик ҳужжатлари йўқотилган. Топган кишидан мукофот эвазига қайтариб беришини сўраймиз.

Телефон: 162-32-11.

ВИЛОЯТ ФУТБОЛИНИНГ УЛКАН ОДИМИ

ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг саккизинчи йили Тошкент вилояти учун омадли келди. Пойтахт вилояти меҳнаткашлари пахтачилик соҳасида кескин бурилиш ясаб, давлатга қимматли хомашё сотиш шартнома режасини республикада учинчи бўлиб муваффақиятли адо этдилар. Ушбу шарафли меҳнат ғалабаси вилоятда катта хурсандчилик билан нишонланаётган бир пайтда республика миллий чемпионатида мавсум бошидан чиройли ўйин кўрсатиб келган «Дўстлик» футбол жамоаси илк бор «Ўзбекистон чемпиони» деган унвонни қўлга киритиб, вилоятимиз спорти нуфузини янада оширди.

Вилоят шаҳар ва қишлоқларида ана шу қўш ғалаба шодиёналари айни авжига чиққан кунларда бутун республикада яна бир хушхабар тарқалди. Вилоятимизнинг яна икки футбол жамоаси — Ангреннинг «Семурғ» ва Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари республика миллий чемпионатининг олий табақасига йўлланма олдилар.

Шундай қилиб, келгуси йилда мамлакатимиз миллий чемпионатининг олий табақасида бирйўла тўртта футбол жамоамиз вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қиладилар. Биз «Дўстлик», «Металлург», «Семурғ» ва «Кимёгар» жамоаларига янги мавсумда янги омадлар тилаймиз.



Бош мураббий Рустам МИРСОДИҚОВ



— Чемпионликни тасодиф деб ўлайсизми?

Нўъмон ҲАСАНОВ, ярим ҳимоячи, команда сардори: — Аслода! Аҳилликнинг, барчанинг бир жону бир тан бўлиб, тўп суришининг натижаси бу. Айтишади-ку, аҳиллик бор жойда ғалаба бор, деб.



— «Дўстлик» тарихида бу йилги мавсум алоҳида саҳифа бўлиб қолса керак?

Акмал ҲОШИМОВ, ҳимоячи: — Бунақанги саҳифалар, худо хоҳласа, кўп бўлади. Жамоамизнинг нияти шундай.

ИШОНЧНИ ОҚЛАГАН «ДЎСТЛИК»

«Дўстлик» футбол жамоаси мамлакат чемпиони бўлди! Бу хушхабар бир лаҳзада диёримизга тарқалди. Айниқса, вилоятимиз аҳлининг қувончи чексиз. Биз команданинг Юқоричирчиқ туманидаги спорт базасида бош мураббий Рустам Мирсодиқов ва ўйинчилар билан суҳбатлашдик.

— Рустам ака, мана, 1999 йил футбол мавсумининг сўнгги ўйинлари ҳам ўтказилди. Миллионлар ўйинининг мутахассиси сифатида бу йилги чемпионатни қандай баҳолайсиз?

— Бу менинг шахсий фикрим: чемпионат олдинги йиллардагига қараганда анча шиддатли кечди. Гапларим «Дўстлик» мамлакат ғолиби бўлганлиги учун эмас. Ҳамма гап бу йил деярли 10-12 команда ғолибликни қўлга киритиш имкониятига эга бўлганлигида.Шунга яраша кураш ҳам бўлди. Демак, ўзбек футболининг сифати, жанговарлиги юксалиб, боряпти. Кучли командаларга эса ҳеч қачон осон бўлмаган.

— Мағлубиятларингизни назарда тутаётган бўлсангиз керак...

— Албатта. Чунки ҳаммага таниш манзара: турнир жадвалининг қуйи қисмида турган жамоалар ҳамиша кучлиларга қарши кучли ўйин кўрсатадилар.

—«Дўстлик»нинг футболчилари бу гапни билишса керак?..

— Йигитларимизга гап йўқ. Улар майдонга ғалаба учун тушишди. Натижасини кўриб турибсиз: муддатидан илгари чемпион бўлдик.

— Ҳакамлар ҳақида нима дейсиз?

— Ишлаган одам албатта, хато қилади. Ҳакамлардан гинам йўқ. Ахир улар ҳам бизга ўхшаган одам-ку! Улар ўз ишларини ҳалол бажаришди. Мағлубиятга учраган бўлсак, сабабини ҳакамлардан эмас, ўзимиздан қидиришимиз керак.

— Ғолибликда устознинг ҳам, жамоанинг ҳам, ҳатто ўйингоҳнинг ҳам аҳамияти бор, дейишади...

— Ўйингоҳларнинг, тўғрисини айтсам, ҳаммаси ҳам тўлиқ талаб даражасида эмас... Лекин кейинги йилларда катта эътибор бериляпти. Ўзимизнинг ўйингоҳ жуда яхшилардан бири, деб ўйлайман.

— Футболчилар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Одатда ғолиблар ҳақида ёмон гапирмайдилар. Футболчиларимиз якка ўзлари ҳам, жамоа бўлиб ҳам диққатга сазовор ўйин кўрсата олишди. Ҳозир Болгариянинг «Левски» клубида тўп сураётган ҳимоячи Февзи Давлатов ютқазишни жуда ёмон кўрарди. Ҳужумкор ҳимоячи эди. Тўп узатишда жуда моҳир. Ўрнига — бу ҳам бахтимиз-да — муносиб ўйинчи қидириб юрмадик. Алишер Аҳмедов билан Наримон Осмоновлар ишончимизни оқлаб, бир текис ўйин кўрсатишди. Акмал Ҳошимов аввал ҳужумчи бўлиб «МҲСК»да ўйнаган эди. Уни ярим ҳимояда, кейин ҳимояда синаб кўрдик. Жароҳат олиб, анча вақт майдонга чиқа олмади. Константин Кузнецовни чинакам фидойи деб айтсам бўлади. Ташкилотчилиги эса командамизга кўп марта фойда келтирди. Акмал билан бирга ажойиб ўйинлар намойиш этди. Павел Кайгородов билан Олег Собиров ҳақида ҳам шундай фикрдаман. Павелдан умидимиз катта эди. Собиров «Левски»га кетгач, у шу умидларимизни оқлади. Ўринбосарлар сафидан Одил Исабоевни ҳам асосий таркибда синадик. Янглишмадик.

Ярим ҳимоячиларимиз орасида ҳам йўқотиш бўлди. Абдуқаҳҳор Маъруфалиев «Левски» сафида ўйнаяпти. Алишер Бозоровнинг юлдузи айни шу пайтларда чарақлади. Уни ярим ҳимоячи эмас, ярим ҳужумчи десак тўғри бўлади. Катта юмуш бажарди. Жисмонан бақувват. Ҳал қилувчи тўпларни киритган маҳоратли футболчи. Фарҳод Мирсалимбоев ҳам бу йил жуда «очилди». ўтган йили келди-ю, «Дўстлик»дагилар билан тез тил топишиб кетди. Нўъмон Ҳасанов ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Ҳам маҳоратли, футболчи, ҳам команда сардори сифатида таҳсинга сазовор. Вячеслав Пономарёв, Аваз Қосимов, Мухтор Қурбоновлар яшил майдонда озмунча тер тўкишмади. Ғолибликда барчасининг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳужумчилардан ҳам жуда хурсандман. Ойбек Усмонхўжаев «Левски»га кетгач, ҳужум чизиғимиз анча муаммо бўлиб қолади, деб ўйловдик. Ҳайрият, ўрнини тўлдирдик. Фарид Ҳабибуллин бошлиқ ҳужумчилар ҳамиша олдинда бўлишди.

— Ўринбосарлар ҳақида айтмадингиз...

— Ёшларимиз бор. Алексей Собелев, Аҳмаджон Эргашев, Олег Пан, Улуғбек Асанбоев, Дониёр Ҳасановларнинг ҳар бири иштиёқ билан ўйнашади.

— Евгений Валицкий устозлардан бири экан. Ёши етмишдан ошган одам қийналиб қолмасмикин?!..

— Евгений Борисович — тажрибали тренер. Тажриба ва ёшлик бир бўлса, ҳар қандай команданинг икки бақувват қанотига айланади.

— Ойбек Усмонхўжаев, Олег Собиров, Февзи Давлатов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиевларнинг мавсумнинг ярмида хорижга кетишини қандай баҳолайсиз?

— Билиб турибман, улар ҳам шу ерда бўлганда «Дўстлик» бир эмас, уч-тўрт тур олдин ғолиб чиқарди, демоқчисиз. Балки шундай бўларди. Тўрт етакчи ўйинчимизнинг хорижда ўйнаши, аввало, клубимиз шаънига жуда яхши. Қейин, ёшларимиз ҳам улардек бўлишга интилишади. Кетганларнинг ўзига келсак: Европа футболидан кўп нарсани ўрганиб, қайтишади.

— Мавсум тугади. Келгуси йилдаги режалар ҳақида гапиришга эса ҳали эрта.

— Йигитларимиз 10-15 кун дам олишади. Яна машқларни бошлаймиз. Ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионлари кубоги учун ўйинларда қатнашамиз. Келгуси йилнинг биринчи гапини айтишим мумкин: жамоамизда биронта ўйинчи бошқа ёққа кетмайди. Ишонаверинг.

— Муаммолардан ҳам сўзланг...

— Муаммо кимда йўқ дейсиз, ҳозир. Ҳаммасини иложини топиб, ҳал қилиб бораяпмиз. Ҳомийларимизга катта раҳмат. Кейин, ҳадеб шикоят қилишни ёқтирмайман.

— Асримизнинг бошида ҳар бир мамлакатда кураш бўйича ғолиб полвонлар бўлар экан. Улар Гамбург шаҳрида йиғилиб, ҳакамларсиз, ишқибозларсиз, гувоҳларсиз беллашиб, ким дунёда энг кучли полвон эканлигини аниқлаб олишар экан. «Гамбургчасига ҳисоб-китоб» деган сўз шундан қолган экан. Вилоятимиздаги тўрт футбол жамоаси олий лигада тўп сурадиган бўлди. Келгуси йил тўрталови бир йиғилиб, «Тошкентчасига ҳисоб-китоб» қиладиган, вилоятнинг энг кучли командасини аниқлайдиган пайт келар? ..

— Бу жуда яхши таклиф. Балки айтганингиздек турнир ўтказилар. Бу ҳам ишқибозларга, ҳам футболчиларга кўнгилли бўларди. Шахсан мен бунинг тарафдориман.

— Раҳмат, Рустам ака. «Дўстлик»нинг аҳил жамоасини газетхонларимиз ишидан яна бир карра ғолиблик билан табриклашга ижозат бергайсиз. Ҳамиша аҳил, иноқ жамоани майдонда кўрайлик, чунки, дўстлик ҳамиша ғолиб чиқаверади.

— Миннатдорман. Ишқибозларимизнинг юзини ерга қаратмасликка ҳаракат қиламиз.

Футбол мавсуми тугади. Ўйингоҳларда ишқибозларнинг шов-шувлари босилди. То келгуси йил баҳоригача ҳамма мавсумнинг мағлубиятларини, ютуқларини муҳокама қилади, баҳслашади. Биз «Дўстлик» жамоаси билан хайрлашар эканмиз, келгуси — 2000-йилда яшил майдонда янги ғалабалар билан кўришгунча, дея тилак билдирдик.




Мураббий Евгений ВОЛИЦКИЙ



— Бу йилги мавсум қандай ўтди?

Алишер БОЗОРОВ, ярим ҳимоячи: — Жуда оғир бўлди. Лекин маррага биринчи бўлиб келдик. Командамизга нафим текканидан жуда хурсандман.



— Ғолиб бўламан, деб ўйлаганмидингиз?

Константин КУЗНЕЦОВ, ҳимоячи, — Ўйламаганмиз, орзу қилганмиз. Ғолиб бўлганимиз ўша орзунинг ушалиши.



Мамлакатимизнинг 1999 йилги чемпиони «Дўстлик» жамоаси.

«МЕТАЛЛУРГ» — КУЧЛИ САККИЗЛИКДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси саккизинчи миллий чемпионати сўнгги тур учрашувида Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўз майдонида «Сурхон»ни қабул қилди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан майдон эгалари фаол ҳаракатлари билан ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Меҳмонлар учун ҳам бу ўйин натижаси жуда қимматли эди. Улар ўртасидаги кескин жанглар биринчи бўлимда натижа бермай, танаффусгача дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолиши мумкин эди. Лекин 42 дақиқада Ҳасан Аскаралиевнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисоб очилди.

Иккинчи бўлимнинг бошиданоқ ҳисобни тенглаштириш учун қарши ҳужумга зўр берган меҳмонлар 50 дақиқада майдон эгалари дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Ўйин охиригача ҳар иккі жамоанинг ҳужумлари самарасиз кетди. Қизиқарли учрашув жанговар дуранг билан якунланди.

Усмон Аскаралиев бошчилигидаги «Металлург» жамоаси бу йил ўз мухлислари ишончини қозонди. Улар 30 учрашувдан 11 тасини ғалаба билан якунладилар. 6 дуранг ва 13 мағлубият билан 39 очко тўплаб, кучли саккизликдан жой олдилар. Жамоадаги тажрибали спортчилар билан бирга ёш, қобилиятли футболчилар «Металлург»нинг келажакда яхши ўйин кўрсатишларига умид туғдирмоқда. Ўйлаймизки, жамоа аъзолари келгуси йилги мавсумда ҳам уюшқоқлик билан тўп суриб, бу йилги мавсумда қўлга киритилган ютуқни мустаҳкамлабгина қолмай, янада юқорироқ поғоналарга кўтарилиб, ўз мухлислари умидини оқлайдилар.

«СЕМУРҒ»НИНГ ШИДДАТЛИ ПАРВОЗИ

ҲА, «СЕМУРҒ»нинг республикамиз футболи тарихида мисли кўрилмаган тарзда парвоз қилганлиги рост. Ушбу парвознинг ниҳоятда шиддатли бўлганлиги ҳам айни ҳақиқат. Фикримизнинг исботи учун ишончли далиллар келтира оламиз.

ЖАМОА 1997 йилда ташкил этилди. Шу мавсумдаёқ вилоят биринчилиги мусобақаларида ажойиб ўйин кўрсатиб, вилоят чемпиони бўлди. Бу унвон учун бир неча йиллар давомида курашиб келган жамоаларнинг ҳаммасини доғда қолдирди ва келаси йилги мавсумда республика миллий чемпионатининг биринчи табақасида тўп суришга йўлланма берувчи ўтиш турнирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Лекин эндигина бир ёшга тўлган «Семурғ»га мамлакатнинг номдор жамоалари сафига қўшилиш насиб этмади.

1998 йил яъни кейинги мавсумда жамоа яна вилоят чемпиони бўлди. Ўтиш турнирида ҳам тажрибали рақибларини ортда қолдириб, миллий чемпионатнинг биринчи табақасига йўлланмани қўлга киритди. «Семурғ»нинг бундай парвозини мутахассислар ҳам, мухлислар ҳам турлича талқин қилдилар. Жамоа эса уларни яна ҳайратга солиб, «биз янгимиз» деб ўтирмай, шу йилиёқ бу табақада ҳам биринчи ўринни эгаллади ва республика чемпионатининг олий табақасига чиқди.

Шуҳрат пиллапояларидан бундай шиддаткор суръат билан кўтарилиш ҳали бирорта жамоага насиб этмаган, десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда клуб президенти Юсуф Шодиматовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нафақат футболнинг ҳақиқий жонкуяри, балки унинг бутун республикада миллионлар ўйинига айланишининг чинакам тарафдори бўлган бу инсон маҳалла болалари орасидан иқтидорлиларни танлаб, бошларини қовуштириб, шундай уюшган футбол жамоасини туза олди. Ўзининг таърифи билан айтганда, энди олий табақада манаман деган жамоалар билан тўп сурадиган «Семурғ» йигитларининг ҳаммаси — кечаги кўча болалари. Катта футбол маҳалладан бошланади, деганлари шу-да!

Жамоа шу йилги мавсумда бир қатор ўзига хос рекордлар ўрнатдики, бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Ангренда 16 минг ишқибозга мўлжалланган, барча қулайликларга эга «Кимёгар» ўйингоҳи бор. Мавсумда 210 минг нафар футбол ишқибози «Семурғ» ўйинларини томоша қилди. Демак, ҳар бир учрашувда ўртача 12 минг 353 киши ўйингоҳга ташриф буюрган. Бу «Пахтакор», «Нефтчи», «Навбаҳор» каби довруғли жамоалар ҳам орзу қилса арзийдиган кўрсаткичдир.

Ишқибоз ўйингоҳга, аввало, чиройли ўйин кўргани келади. Бинобарин, «Семурғ» йигитлари ишқибозларнинг бу умидларини оқлади. Ўз майдонида ўтказган 17та учрашувнинг ҳаммасида, бунга қўшимча республика кубоги учун бўлган яна учта ўйинда ҳам ғалаба қозониб, мухлисларини хушнуд этди.

«Семурғ» шундай жамоаки, у «рақиб майдони» деган муаммони тан олмайди. Меҳмонда ўтказилган 17та учрашувнинг 10тасида ғолиб чиқиш, иккитасини дуранг қилиш ва фақат 5 ўйиннигина бой бериш камдан-кам жамоа эришадиган натижа.

Жами 13та учрашувда йирик ҳисобда ғалаба қозонилган бўлса, шундан асосий қисми рақиб майдонида юз берди. Биринчи табақадаги энг йирик ҳисоб ҳам «Семурғ» — «Сирғали» учрашувида қайд этилди — 9:0! Бутун мавсум давомида бешта мағлубиятнинг ҳаммасида ўйин фақат битта тўп фарқи билан бой берилди.

Ангренликлар мавсумда 93та тўп киритиб, бу борада ҳам рекорд натижага эришдилар. Ўз дарвозаларидан ҳам энг кам тўп ўтказдилар — 21та. Тўпларнинг 45таси сафарда киритилди. Меҳмонда ўтказилган ҳар бир учрашувга 2,7та тўп тўғри келади. «Семурғ»нинг ушбу рекордини яқин йиллар ичида янгилай оладиган жамоа топилмаса керак.

Мавсумда «Семурғ»га ютқазмаган бирорта жамоа қолмади. Ўнта жамоани эса ҳам мезбон бўлиб, ҳам меҳмон бўлиб мағлуб этди.

«Семурғ»нинг кўп тўп киритиши ва аксинча, кам тўп ўтказишининг сабаби бор. Жамоа ҳимоячилари ўз вазифаларини аъло даражада бажаришдан ташқари, ҳужумчиларга ҳам ёрдам беришни ўддалашади. Масалан, 20 ёшли Ботир Султонов мавсумда рақиблар дарвозасига 6та тўп киритди. Ҳужумчи Элдор Қосимов эса 36 тўп уриб, энг юқори натижа кўрсатди. Мурод Жалилов 21та тўп билан учинчи бўлди. Иккинчи даврa бошлангандан сўнг жамоага келган Неъматилла Қуттибоев 14та ўйинда 12та тўп киритишга улгурди.

«Дарвозабон — ярим жамоа» дейишади футболчилар. Алфред Шарипов ҳам, Дмитрий Ширшов ҳам ана шундай дарвозабонлардан. Масалан, Алфред иккинчи даврада фақатгина бешта тўп ўтказиб юборди, холос. Ҳимоячиларнинг тез-тез рақиблар дарвозасига «юриш» қилишларининг боиси шунда.

Жамоа бош мураббийси Рафаэл Фабарисов, тренерлар Олимжон Раҳмонов ва Владимир Жуковскийнинг нафақат вилоят, балки республикадаги энг кучли мутахассислардан эканликлари «Семурғ»нинг шиддатли парвози тимсолида яққол исботланди. Зеро, бундан уч йилгина илгари «кўчада тўп тепиб юрган болалар»дан Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий табақасида бемалол тўп сура оладиган футболчиларни тарбиялаб етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Бунга эришилган экан жамоа устозларида малака, истеъдод ва энг муҳими Ўзбекистон футболига нисбатан фидойилик етарли, албатта. Бу эса «Семурғ»нинг келажакда бундан-да юксакроқ парвоз қилишига қатъий ишонч уйғотади.

«КИМЁГАР» пойтахт вилоятининг ўзига хос мураккаб тарихий йўлни босиб ўтган футбол жамоаларидан биридир. У 1946 йилда Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» корхонаси қошида ташкил этилиб, ўз фаолиятини шаҳар биринчилигида қатнашишдан бошлаган бўлса, 1993 йилдан Ўзбекистон миллий чемпионатининг биринчи табақасида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

«Кимёгар» республика чемпионатининг биринчи табақасида дастлабки йилданоқ мустаҳкам ўрнашиб олди. Бу жамоа раҳбарларининг ўз олдиларига қўйган биринчи галдаги вазифалари эди. Бунга эришилгач, аста-секин совринли ўринлар учун курашга киришилди. Мураббий ва ўйинчиларнинг бу ниятлари ҳам рўёбга чиқа бошлади.

Ўтган йилги мавсумда жамоа илк бор энг юқори натижага эришди. Ҳатто, айтиш мумкинки, олий табақага чиқишига бир баҳя қолди. Иккинчи даврада спорт устаси Александр Иванков жамоага бош мураббий бўлиб келгач, «Кимёгар»нинг ўйинида сезиларли ўзгариш юз берди. Бироқ унинг олий табақага йўлланма олишига биттагина ғалаба етмай қолди.

Бу йилги мавсумда «Кимёгар» футболчилари ана шу камчиликнинг ўрнини тўлдиришга муваффақ бўлишди ва олий табақадаги номдор жамоалар сафида тўп суришга муносиб эканликларини амалда кўрсатишди.

«Кимёгар»нинг ютуғи тасодифий эмас. Футбол жонкуяри, клуб президенти Фатҳулла Мирзаев, тажрибали спорт устаси, жамоа бошлиғи Геннадий Денисов, бош мураббий Александр Иванков, мураббий Фурқат Абдуҳамидов раҳбарлигида жамоа аъзолари йилдан-йилга, ўйиндан-ўйинга ўз маҳоратларини ошириб, янада жипслашиб бормоқдалар. Уларнинг келгуси йили ҳам чиройли ўйинлар намойиш этиб, республика миллий чемпионатининг олий табақасидан ўзларига муносиб ўрин эгаллашларига шубҳа йўқ.

ОҚ ЙЎЛ «КИМЁГАР»!

БИРИНЧИ ТАБАҚАНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Семурғ»	34	27	2	5	93-21	83
2. «Кимёгар»	34	26	5	3	84-25	83
3. «Қизилқум»	34	25	6	3	84-27	81
4. «Шаҳрихон»	34	17	10	7	83-50	61
5. «Машъал»	34	16	8	10	66-41	56
6. «Роҳат»	34	14	9	11	50-47	51
7. «Цементчи»	34	15	4	15	53-52	49
8. «Шўрчи»	34	14	6	14	57-56	48
9. «Косонсой»	34	14	5	15	57-55	47
10. «Шўртан»	34	14	2	18	64-49	44
11.«Орол»	34	13	5	16	45-49	44
12. «Хива»	34	12	6	16	41-50	42
13. МҲСК	34	12	3	19	49-67	39
14. «Ғазалкент»	34	12	3	19	50-69	39
15. «Қува»	34	9	6	19	36-74	33
16. «Истиқлол»	34	9	2	23	32-92	29
17. «Сирғали»	34	8	2	24	43-96	26
18. «Ситора»	34	5	4	25	31-98	19

ТЎПУРАРЛАР

Элдор Қосимов («Семурғ») — 36
Виктор Карпенко («Қизилқум») — 29
Мурод Жалилов («Истиқлол», «Семурғ») — 21

* * *

ЖАДВАЛДАН яққол кўриниб турибдики, республика чемпионатининг биринчи табақасида сўнгги тур олдидан камдан-кам учрайдиган вазият юзага келди. Келаси йили олий лигада ўйнаш ҳуқуқини берувчи иккита йўлланмага учта жамоа — «Семурғ», «Кимёгар» ва «Қизилқум» даъвогар бўлиб турганди. Биринчи ва иккинчи ўриндаги жамоалардан бири сўнгги турда мағлубиятга учрасагина «Қизилқум»га омад кулиб боқиши мумкин эди. Бироқ, «Семурғ» ҳам, «кимёгар» ҳам пешқадамларга хос ўйин кўрсатиб, рақибларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. «Қизилқум» жадвалнинг бешинчи погонасини мустаҳкам эгаллаб турган «Машъал»нинг меҳмони бўлиб, 3:1 ҳисобида ғалабага эришса-да, олий табақага чиқиш насиб этмади.

Бу йилги чемпионатнинг тўрт омадсиз жамоаси эса деярли сўнгги тур олдидан маълум бўлиб қолганди. Шундай қилиб, ангреннинг «Семурғ» ва Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоалари келаси мавсумда республика чемпионатининг олий табақасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. «Қува», «Истиқлол»,«Сирғали» ва «Ситора» жамоалари эса биринчи табақани тарк этадиган бўлишди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0900. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Алёна ПОРОШКИНА. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.20. 1 2 3 4 5 6